

Гулистон туманида янги тикувчилик цехлари

Ишга туширилиши ҳисобига 400 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 5-саҳифа ▶



Тайёр маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда

Бугун Навоидан хорижга экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарияти иссиқхоналарда етиштирилмоқда. 9-саҳифа ▶

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 25-iyun, payshanba 26-27 (9063-9064)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



КОРХОНА КУНИГА 20 ТОННАГАЧА СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАМОҚДА

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида фаолият юритаётган "Носиров Тўра Улашович" хусусий корхонаси сутни қайта ишлашга ихтисослашган.

Корхона ҳудуддаги аҳоли ҳамда фермер хўжаликларидан кунига 6 тоннадан 20 тоннагача сутни шартнома асосида сотиб олиб, қайта ишламоқда.

– 2006 йилда фаолият бошлаган эдик, – дейди корхона иш юритувчиси Ёдгор Носиров. – Ўтган йиллар мобайнида хомашё етказиб берувчилар билан ҳам, тайёр маҳсулотни харид қилувчилар билан ҳам самарали ҳамкорлик ўрнатишга эришдик. Ишлаб чиқариш салмоғини йилдан-йилга ошириб бордик, иқтисодий имкониятларимиз анча мустаҳкамланди. Натижада фаолиятни кенгайтириб, қувватни ошириш имкони пайдо бўлди. Шу боис, ўтган йили

корхонамиз учун янги, замонавий бино куриб, бир қанча техник ускуналаримизни янгиладик.

Айни вақтда корхонада 10 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 20 нафар кишининг иш билан бандлиги таъминланган.

Тадбиркор эса янги режаларни амалга ошириш ҳаракатида. У жорий йилда корхона қошида чорвачилик комплексини ишга тушириб, шу ернинг ўзида хомашё етиштиришни йўлга қўймоқчи. Натижада яна ўндан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)
олган сурат.



**27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ**

**Ижодкорнинг ҳар
бир сўзи жамиятда
бонг урувчи муҳим
кўнғироқдир!**

4-саҳифада ўқинг! ▶

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДА ИШТИРОК ЭТДИ

Маълумки, бу йил Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбир 9 май куни ўтказилиши режалаштирилган эди. Аммо коронавирус пандемияси сабабли у кейинги муддатларга сурилди. 1945 йилда Буюк Ғалабанинг биринчи марказий паради 24 июнь санасида ўтказилгани боис, жорий йил ҳам бундай тантана учун айнан шу кун танланди.

Тарихан муҳим мазкур воқеани бир-галикда нишонлаш мақсадида Россия ҳукумати музаффар мамлакатлар раҳбарияти номига таклифномалар юборди. Ўзбекистон ҳам, албатта, ўша ғолиб давлатлар қаторида. Халқимиз ўша машъум урушда ғалаба учун ҳеч муболағасиз, улкан ҳисса қўшган.

Масалан, сўнги пайтларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида юртимиздан 2 миллионга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Фронт ортида ҳам ўзбекистонликлар кўрсатган матонат келажак авлодларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу боис мамлакатимиз вакиллари Ғалабанинг 75 йиллик шонли санаси муносабати билан Москва шаҳрида ўтказиладиган тантананага таклиф этилди.

Таъкидлаш жоиз, пандемия бутун дунёга ўз таъсирини кўрсатаётган ҳозирги мураккаб шароитда давлатимиз раҳбарининг бундай тадбирда иштирок этишининг ўзи аждодларга хос қахрамонлик ифодасидир.

Ҳарбийларимиз ҳам мазкур тадбирда юртимиз истиқлолга эришганидан кейин биринчи бор иштирок этди. Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни Россия Президенти Владимир Путин билан Кремлда бўлиб ўтган учрашувида таъкидлаганидек, бу бизнинг умумий тарихимиз, умумий ғалабамиздир. Халқларимиз намойиш этган жасорат барчамиз учун чексиз ғурур манбаи бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Москвада Қизил майдонда бўлиб ўтган тантанали тадбирда ўз иштироки билан Ўзбекистон элининг шонли Ғалабага эришишдаги умумэътироф этилган буюк хизматига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан бир қаторда, мард ва жасур халқимизнинг шафқатсиз уруш сабаб чеккан мислсиз азияти, азоб-укубатлари яна бир бор халқаро майдонда ёдга олинди.

Бўлиб ўтган парадда Ўзбекистон Қурулли Кучлари вакиллари ҳам улуг аждодларга муносиб тарзда иштирок этди. Умумий ҳисобда тантананада 13 давлатдан 225 та ҳарбий техника, 14 минг аскар ва офицер қатнашди. Россия пойтахти осмонидан 55 самолёт ва 20 та вертолётнинг учиб ўтиши байрамга ўзгача руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига амалий ташрифи давомида Москва шаҳрининг Александр боғидаги "Номаълум аскар" ёдгорлигига гул қўйди.

Умумбашарий аҳамиятга эга ушбу мажмуа Иккинчи жаҳон уруши ўчоқларида Ватан ҳимояси йўлида мардларча ҳалок бўлган турли миллатга мансуб миллионлаб аскарлар, жумладан, ўзбек ўғлонларининг ҳам унутилмас хотираси учун бунёд этилган. "Исминг номаълум, жасоратинг барҳаёт" ёзуви битилган мазкур ёдгорлик аждодлар кўрсатган қахрамонлиги ва жасоратининг рамзий ифодасидир.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон сарҳадларидан олисда кечган бўлса-да, унинг аянчли таъсири, изтироблари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтган эмас. Халқимиз фашизм устидан эришилган Ғалабага буюк ҳисса қўшган. Республика-миздан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилиб, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирланган. Уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Саховатли ва танти элимиз

уларга ўз уйдан жой бериб, сўнги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Президент Шавкат Мирзиёев инсоният тинчлиги учун жон фидо қилган ватанпарвар инсонларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

1966-1967 йилларда барпо этилган мазкур мажмуада абадий олов алангалашиб туради. Унга Россия Федерациясининг маданий мероси объекти мақоми берилган.

Шавкат Мирзиёев шу куни Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги элчихонаси яқинида жойлашган Ислом Каримов хиёбонига ҳам ташриф буюрди.

Президентимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улуг шахс ва арбоб хотирасига эҳтиром рамзи сифатида 2018 йил 18 октябрь куни Москва шаҳрида ҳайкал ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов хиёбонига ташрифи чоғида бу ерга йиғилган ватандошларимизни қутлади.

Шу билан Россия Федерациясига амалий ташриф дастурида кўзда тутилган тадбирлар якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россияга амалий ташрифини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
“Давлат фуқаролик хизмати
тўғрисида” ги қонун лойиҳаси
юзасидан матбуот анжумани
ташкил этилди.**

**Жорий йилнинг 22 майдан
6 июнигача Ўзбекистон
Республикаси норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари
муҳокамаси портали ([https://
regulation.gov.uz](https://regulation.gov.uz)) да “Давлат
фуқаролик хизмати тўғрисида” ги
қонун лойиҳаси жамият
муҳокамасига қўйилди. Шу давр
иچида порталга қарийб 220 та
таклиф ва изоҳ келиб тушди.**



ҚОНУН СОҲАДАГИ КОРРУПЦИЯ ВА БОШҚА СУИСТЕЪМОЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда қайд этилишича, мазкур қонун лойиҳаси давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий база яратиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги қонуни лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони билан мустаҳкамлаб қўйилган давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, шунингдек, илғор хорижий тажриба, нуфузли халқаро ташкилотлар, миллий экспертлар тавсиялари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизматидаги кириш, унда хизматни ўташ ва тугатишдан тортиб давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий мақоми, кафолатлари, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари ва уларни амалга ошириш мезонлари, қандай ҳолатларда давлат хизматчиси ўз мақомидан маҳрум бўлиши, уларнинг лавозим поғоналарида фақатгина меритократия тамойили асосида кўтарилиб боришини қатъий белгиловчи нормалар белгиланган.

Қонун лойиҳасининг 3-модда-

сида ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари ҳамда судьялардан ташқари барча Ўзбекистон Республикаси давлат фуқаролик хизматчиларига татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Дунё тажрибасига кўра, юқорида санаб ўтилган мансабдор шахслар фуқаролик хизматчиларига эмас, сиёсий хизматчилар тоифасига қиради.

Умумий қоидага кўра, деярли барча мамлакатларда давлат хизматчилари фуқаролик ва сиёсий хизматчиларга бўлинади. Уларнинг мақоми махсус ҳужжатлар билан тартибга солинади. Давлат хизматчилари билан тақдослаганда давлатнинг сиёсий лавозимларига нисбатан доим ҳам меҳнат қонунчилиги амал қилавермайди, чунки улар халқ ёки депутатлар томонидан сайланади ёки юқори турувчи органлар томонидан тайинланади. Мос равишда меҳнат қонунчилигида кўзда тутилмаган асосларга кўра, лавозимидан озод этилиши мумкин. Бошқача айтганда, давлат фуқаролик хизматини тартибга солувчи нормалар сиёсий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, қонун лойиҳасида давлат хизматчиларининг қандайдир тоифаларини ўз даромади ва мулкани мажбурий равишда декларация қилиш тизимидан мустасно қилувчи нормалар мавжуд эмас. Лойиҳанинг 3-моддаси фақатгина унинг қўлланиш соҳасини белгилаб беради. Чунки декларация қилиш билан бирга, лойиҳа давлат хизмати билан боғлиқ бошқа кенг кўламли масалаларни ҳам тартибга солади.

Бироқ, бу ҳеч қанақасига мансабдор шахсларни маълум бир тоифасини мажбурий декларация тизими ёки давлат хизматининг бошқа умумий тамойилларидан чиқариб ташланишидан далолат бермайди. Бундан ташқари, лойиҳада Ҳукумат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари, ҳокимларга нисбатан у бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмида амал қилиши кўзда тутилган.

Шу билан бир қаторда, давлат фуқаролик хизматини комплекс равишда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун, жумладан, номзодларни мустақил равишда танлов асосида саралаб олиш, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини баҳолаш мезонлари ва унинг ваколатларини белгилаб берувчи тартиб-таомиллар, уларнинг малакасини оширишга қўйилган талаблар мавжуд эмас. Дунё тажрибаси давлат хиз-

матчилари даромади ва мулкани декларация қилиш билан боғлиқ масалалар алоҳида қонунчилик ҳужжатлари ёки коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ ҳужжатлар билан тартибга солинишини кўрсатмоқда.

Тадбир давомида жамоатчилик фикри ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда агар бири иккинчисига тўғридан тўғри тобе ёки назорат остида бўлса, яқин қариндошларнинг битта давлат ташкилотига лавозим эгаллашига имкон берувчи қоидалар қайта кўриб чиқиши таъкидланди.

Шунингдек, мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзолари томонидан хорижий давлатлар банкларида ҳисоб рақами очиш, хорижда қимматбаҳо буюмлар сақлаш ва кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни қўшимча равишда ўрганилиши қайд этилди.

Давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий базасини тартибга солиш, давлат фуқаролик хизматида коррупция ва бошқа суиистеъмолликларнинг олдини олиш, самарали танлов тизимини жорий этиш ва давлат фуқаролик хизматчиларини касбга оид сифатлари ҳамда алоҳида хизматлари асосида кўтариш, шунингдек, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйишга асос бўлади.

Шунингдек, барча даражадаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва чекловларнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш, давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга оид ягона тизимни яратишга олиб келади.

**Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.**

Ўрнатли ижодкорлар, соҳа фидойилари!

Назаримда, жамиятда қалами ўткир журналист, теран фикрловчи ижодкорнинг функционал хизмати ҳеч қайси бир соҳа ходимининг келтирадиган нафидан кам бўлмайди. Соддароқ қилиб айтсам, ижодкорнинг жамиятга хизмати, бу ўринда чин ватанпарварлик позициясини назарда тутаяпман, одамлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Образли қилиб таърифлаганда, ижодкорнинг ҳар бир сўзи жамиятда бонг урувчи муҳим кўнғироқдир!

Бугун мамлакатимизда очик ва ошкоралик, шаффофлик, давлат ташкилотларининг халқ манфаатлари учун хизмат қилишидек муҳим тамойил ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида намоён бўлаётган паллада адолат тамойили асосида фаолият кўрасатаётган оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнатлари натижасини барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган ҳар бир муаммо ва камчиликлар тегишли идоралар томонидан ўрганилиши, ҳал этилиши каби жараёнларга кўникканимиз ва бу жараён нафақат журналистларга, балки барча соҳаларга наф келтираётганлиги, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, халқни рози қилишдек улкан мақсадимизнинг амалиётга жорий этилаётганлигига далолатдир.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” қарори асосида давлат ташкилотларида Ахборот хизматлари ташкил этилди.

Бу бежизга эмас. Президентимизнинг мазкур қарори негизида давлат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан яқинлигини таъминлаш, шу орқали аҳолининг соҳалар бўйича ахборотга бўлган талабини қондириш, шунингдек, турли ахборот хуружларига давлат идораларининг муносиб жавоб бериши учун имкон яратишдек мақсадлар ётибди.

Шу маънода Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг республикадаги барча оммавий ахборот воситалари билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйганлигини, таъбир жоиз бўлса, турли ахборот курашларида журналистларнинг ветеринар ва чорвадорларга кўмакка келганлигини, аҳоли орасидаги баъзи англашилмовчиликларни ҳал этишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борганлигини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда фаолият олиб бораётган соҳа ходимларини касб байрами билан муборакбод этаман. Эзгу ишларингизда доимо омад ёр бўлишига хайрихоҳман!

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
*Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси раиси.*



ГУЛИСТОН ТУМАНИДА ЯНГИ ТИКУВЧИЛИК ЦЕХЛАРИ

Ишга туширилиши ҳисобига 400 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан Гулистон туманидаги “Равшан-Азамат-Алишер-Бирдам” хусусий корхонаси негизида “Гарнет текстил” тикувчилик цехи ишга туширилди. 100 та замонавий тикув машиналари ўрнатилган цехларда болалар ва катталар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки кунни тикувчилик цехида 50 нафар тажрибали хотин-қиз 5 минг дона футболка ишлаб чиқариш бўйича буюртмани бажаришга киришдилар.

Тикувчилик цехи тўла қувват билан ишлай бошлагач бу ерда 200 нафар хотин-қиз учун доимий иш ўрни яратилади. Шу боис тумандаги 200 нафар ишсиз хотин-қиз рўйхати шакллантирилиб, улар “Устоз-шогирд” анъанасига асосан тажрибали чеварлардан тикувчилик сир-асрорларини ўргандилар. Корхонада меҳнат қилаётган тикувчи, дазмолчи, назоратчи ва соҳа мутахассисларига малакасига қараб 3 миллион сўмгача маош тўланади. Уларга бепул овқат берилиб, ишга келиб кетишлари учун транспорт хизмати кўрсатилмоқда.

Ҳозирда ички бозорга чиқариладиган болалар ва катталар кийим-кечаклари ҳедамай экспорт ҳам қилина бошлайди. Шинам, озода, барча қулайликлар яратилган хоналарда ишлаш тумандаги хотин қизлар, ёшларнинг бир умрлик орзу умиди эди. Уларнинг бу эзгу ниятлари ушалди.

– Мен аввал Гулистон шаҳридаги фабрикаларда меҳнат қилардим, – дейди тажрибали тикувчи Зарифа Усмонова. – Уйимиздан 30 километр узоқдаги корхонада ишлаш бирмунча қийинчилик туғдирарди. Деҳқонобод шаҳарчасининг ўзида шундай тикувчилик цехининг барпо этилганлиги кўнглимиздаги иш бўлди. Дастлабки кунлардан зиммамга юклатилган топ-



– Лойиҳа доирасида 20 та йўналиш бўйича 41 нафар уста хунармандларга 5 нафардан шогирдлар бириктирилади ва ўқув машғулотлари уста хунармандларнинг устахоналарида ташкил этилади. Вилоят Бандлик бошқармаси томонидан уста хунармандларга ойлик ва шогирдларга стипендиялар бериб борилади.

шириқни 120-130 фоиз қилиб бажаришга, чиройли, бежирим ва барчага манзур бўладиган кийим-кечаклар тикишга ҳаракат қилаяпман.

Корхона таъсисчиси Дилфуза Алматова ҳозир шу ернинг ўзида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ҳам ташкил этиш чораларини кўраёттир. Цех ишга туширилиши ҳисобига бу ерда яна 10 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланади.

Деҳқонобод шаҳарчасининг “Ибрат” маҳалласида тадбиркор Наргиза Маллабоеванинг қатъий саяҳаракати билан 200 та замонавий тикув машиналари ўрнатилган яна бир “Мисс Миледи” тикувчилик цехи фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Асосий маҳсулотларини Қозоғистон ва Россия

давлатларига экспорт қилишни режалаштирган корхона жамоаси бежирим ва чиройли катталар ҳамда болалар кийим-кечакларини тикиб, тайёрлашни уюшқоқлик билан бошлаб юборди.

Корхонада икки навбатда иш ташкил этилади ва келгусида тумандаги 300 нафар хотин-қиз муқим иш ўрнига эга бўлади. Тумандаги Дўстлик, Ибрат, А.Яссавий номли, Аҳиллик, Навоий номли, Соҳилобод, Фурқат номли, Олтин водий, Шарқ ҳақиқати, Теракзор ва Бобўт маҳаллаларида яшовчи ишсиз хотин-қизлар янги фабрикада ўзгача иштиёқ билан меҳнат қила бошладилар.

– Иш фаолиятимизни кенгайтириб, бу ерда пойабзал фабрикаси фаолиятини ҳам йўлга қўямиз, – дейди “Мисс Миледи” масъулияти чекланган жамиятининг ижрочи директори Нигорахон Абидова. – Шу ерда тўқув цехи ҳам барпо этилади ва 60 нафар эркаклар учун янги иш ўринлари яратилади.

– Сирдарёлик хотин-қизлар бандлигини тўла таъминлаш учун “UZ Hunarmand-Tajim” лойиҳасини ҳам кенг қўламда амалга оширяпмиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бўлим бошлиғи Карима Норқулова. – Лойиҳа доирасида 20 та йўналиш бўйича 41 нафар уста хунармандларга 5 нафардан шогирдлар бириктирилади ва ўқув машғулотлари уста хунармандларнинг устахоналарида ташкил этилади. Вилоят Бандлик бошқармаси томонидан уста хунармандларга ойлик ва шогирдларга стипендиялар бериб борилади. Лойиҳа доирасида “Устоз-шогирд” анъанаси бўйича вилоятда 200 нафардан зиёд бандлиги таъминланмаган фуқаролар хунармандчилик сирларини ўрганиб, шу касбларнинг эгалари бўладилар.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.





Наманган вилояти

ТЕГИРМОНБОШИДА ЛИМОНЧИЛИК МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Наманган вилоятида иссиқхоналар тармоғини
ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини
кенгайтириш, бу борада томорқалардан мақсадли
фойдаланишни йўлга қўйиш борасида кенг кўламда
ишлар амалга оширилмоқда.**

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда вилоятда жами 240 гектар майдондаги иссиқхоналарда замонавий энерготехжамкор қозонхоналардан фойдаланган ҳолда бодринг, помидор, қулупнай, лимон, кўкатлар, сабзавот ва гул кўчатлари етиштирилаётир. Айниқса, бу борада Косонсой, Тўрақўрган, Учқўрган, Чортоқ, Мингбулоқ туманларида ишлар намунали ташкил қилинаётир. 2019 йилда 23,5 гектар фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ерларида, 5 гектар ўрмон хўжалиги

майдонларида, жами 28,5 гектарлик ҳудудда лимонзорлар ташкил этилиб, 28,5 минг туп лимон кўчатлари парвариши йўлга қўйилди. Жорий йилда иссиқхона ва лимонзорларни янада кенгайтириб 1069 тонна бодринг, 8163 тонна помидор, 1043 тонна лимон, 28 тонна қулупнай, 65 тонна кўкат, 847453 минг дона кўчат етиштириш режалаштирилган.

Яқинда Мингбулоқ туманидаги Тегирмонбоши маҳалласида бўлиб, томорқаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Айниқса, мавжуд иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавотларнинг авжи

кўзни қувнатди.

– Мен ушбу маҳалланинг Садоқат кўчаси, 120-уйда истиқомат қиламан. МФИда ободонлаштириш йўналишида ишчи бўлиб фаолият олиб бораман. 5 сотих томорқага эгамиз. 3 сотихида узум, анор, олма, гилос дарахтлари бўлиб йилига 3-4 миллион сўмлик мева етиштирамиз. 2 сотихли иссиқхонада 24 туп ўн ёшли лимон кўчатлари бор. Йилига 1-1,5 тоннага етказиб ҳосил беради. Камида 10 миллион сўмдан ошириб даромад қиламиз. Маҳалламизда лимочиликни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшишга аҳд қилдим. Хонадонимда лимончилик мактабини йўлга қўйишни режалаштирдим, – дейди Эркиной Авляева.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Фарғона вилояти

Фарғона вилояти Қува туманидаги “Роҳатой” кўп тармоқли фермер хўжалиги ғалла ва пахта етиштиришда катта тажрибага эга.

“Роҳатой”га барча ҳавас қилади



Жорий йилда 47,5 гектар майдондаги ғалла ҳосили салмоғи юқори бўлди. Ҳар гектар ердан 80 центнердан хирмон кўтарилди.

– Мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун агротехник талабларни ўз вақтида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратдик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Турсунали Тешабоев. – Ҳар гектар ер ўрта ҳисобда 750-800 килограмм азотли, 5 тоннадан ортиқ минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Бегона ўт, занг касаллигига қарши ишлов берилди. Айни кунда ғалладан бўшаган экин майдонларини пешма-пеш шудгорлаш, озуқа, сабзавот, полиз экинларини экиш ишларига киришдик.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги чорвачилик, боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ана шу мақсадда Германиядан сутчилик йўналишида 70 бош наслдор чорва моллари олиб келинди. 11 гектар майдонда интенсив усулда гилос, нок, олма, анор боғлар ташкил қилинди. Бу тармоқ фаолиятини ривожлантириш билан бирга, 50 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имкониятини бермоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА

НИДЕРЛАНДИЯДАН НАСЛЛИ МОЛЛАР ОЛИБ КЕЛИНМОҚДА



**2019-2021
йилларда
Оҳангарон
туманида
жами 30 та
чорвачилик
комплекси
(17 та
қорамолчилик,
13 та қўй-
эчкичилик)
барпо
этилиши кўзда
тутилган.**

Айни дамда лойиҳа эгалари томонидан мазкур комплексларни қуриш ишлари олиб борилмоқда. Улардан айримлари эса аллақачон чет элдан зотдор молларни олиб келишни бошлаб юборишди.

Хусусан, қуни кеча қорамолчиликка ихтисослашган “Қурама қорабайрлари” МЧЖ томонидан Нидерландиядан 61 бош насли қорамол олиб келинди. Шу ойнинг охирига қадар чет элдан яна 600 бош зотдор мол олиб келинади.

41 миллиард 580 миллион сўм қийматга эга бўлган ушбу лойиҳа асосида қорамолчиликка асосланган (сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш) комплекс барпо этилиб, йилига 9000 тонна сут, 86 тонна гўшт етиштириш кўзда тутилган. Мазкур комплекс учун, жами 1 856 гектар ер майдони ажратилиб, шундан 6 гектари мажмуа қурилиши учун мўлжалланган. Мажмуа ишга тушгач, 83 та янги иш ўрни яратилади.

Ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти

Ўз мавсумида болаларимизни сўлим табиат қўйнида, ҳар тарафлама қулай шароитларда дам олишини барчамиз хоҳлаймиз. Айниқса, ушбу йилда пандемия сабабли биров вақт мактаб ва боғчага бора олмай қолган болажонларимиз бундай қувончли кунларни жуда-жуда соғинганлиги аниқ.



ОРОМГОҲЛАР

БОЛАЖОНЛАР УЧУН ШАЙ

Бу борада Қашқадарё вилоятида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳи, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 2020 йилги ёз мавсумига болалар оромгоҳларини тайёрлаш, болаларнинг сифатли соғломлаштирилиши ва дам олишларини ташкил этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, 2020 йил 13 март куни вилоят ҳокими ва вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг “2020 йил болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказиш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди.

Шунингдек, вилоятда жорий йилги болаларни соғломлаштириш мавсумини Covid-19 пандемияси даврида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2020 йил 26 майдаги 1-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Болалар ёзги оромгоҳларининг карантин даврида фаолиятини ташкил этиш бўйича талаблар асосида юқори савияда ва хавфсиз ўтказиш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз амалга ошираётган ислохотларнинг асосий мақсади – болаларнинг бахтли келажаги учун барча шароитларни яратиб беришдир”.

Ушбу йилда вилоятда 10375 нафар болани ёзги оромгоҳларда дам олдириш ишлари режага киритилган. Шундан, 5640 та йўлланма учун ижтимоий суғурта фондидан маблағ ажратилиши белгиланган бўлса, 4735 нафар болани дам олдириш эса туман, шаҳар ҳокимликлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда ҳомий ташкилот,

корхона, муассаса ва тадбиркорлар ҳисобидан амалга оширилиши режага киритилган.

Ушбу мақсадлар учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 794,6 млн. сўм, касабга уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан 539,6 млн. сўм, ота-оналар маблағи ҳисобидан 593,5 млн. сўм, хўжалик ташкилотлари ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 3275,7 млн. сўм, жами 5203,5 млн. сўм маблағ жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Вилоятда жорий йилги мавсум 10 июндан бошланди.

– Бу йил вилоятимиздаги 15 та оромгоҳ болажонларимизни ўз бағрига қабул қилади, аини кунларда ана шу оромгоҳларнинг 6 тасида вилоятимизнинг 9 та шаҳар-туманларидан келган 700 нафарга яқин болажонлар дам олмоқда, ушбу болаларнинг 100 нафардан орткироғи меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидир. Ушбу йилда дам олишга шароит яратилган 10375 нафар болажонларнинг 2000 нафардан кўпроғи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлиши режалаштирилган. Шу мақсадда болаларнинг мароқли дам олишлари учун оромгоҳларда барча шароитлар яратилган. Пандемия даврида болаларнинг ҳар томонлама хавфсиз дам олишлари учун барча чоралар кўрилган, – дейди биз билан суҳбатда вилоят Касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудирини Файзулло Маҳмудов.

Вилоятнинг энг сўлим гўшалари бўлган Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларининг баҳаво ҳудудларида жойлашган оромгоҳлар болажонларимизнинг мароқли дам олишларига шай ҳолатга келтирилган.

Шухрат ХУЖАЕВ.





ҲАМ ДАСТУРХОНИМИЗГА, ҲАМ ЭКСПОРТГА

Бухоро вилоятида ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин экиш бошланди.

18 гектар майдонда бугдой экини парваришлаган жондорлик Сулаймон фермер бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Ушбу далаларнинг 10 гектарида ўрим-йиғимни якунлаган деҳқон давлатга дон сотиш шартномавий режасини ошириб бажарди. Ўртача ҳосилдорлик 60,4 центнерга етгани ҳавасли. Яқин кунларда қолган майдонларга ҳам комбайн тушади. Аммо миришкор инсон раҳбарлик қилаётган “Сулаймон Маҳмуд” фермер хўжалиги жамоаси комбайн кутиб бекор тургани, тин олгани йўқ. Гап фақат ғўза парвариши юмушлари жадал олиб борилаётгани ҳақида эмас. Бу ерда ғалладан бўшаган далаларда экин экиш ишлари авжида.

– Шудгор қилинган майдонларнинг 6 гектарига сабзи экилаётир, – дейди Сулаймон Ҳафизов. – Далаларнинг тенг ярми фермер ишчиларига тегишли, қолгани қишлоқнинг кам таъминотли аҳолисига 20 сотихдан ажратилди. Уларга уруғни ўзимиз экиб беряпмиз. Ахир мулкдор саховатли, қўли очиқ бўлиши керак. Айтганча, даламининг яна тўрт гектарига тариқ экамиз. Ўтган йили бу экиннинг ҳар гектаридан икки ярим тонна ҳосил олган эдик. Бу йилги натижа янада яхши бўлишига умид қиляпмиз. Ҳосил мўл бўлса, фойданинг чўғи қувонтиради.

Фермернинг айтишича, ғаллачиликнинг ўзидан камиди 70 миллион сўм соф фойда олиниши кутилмоқда. Такрорий экинлардан тушадигани 50 миллион сўмдан ошаркан.

Таъкидлаш жоиз, вилоятда бугдой ўрим – йиғимнинг суръати баланд. Ҳозиргача 60,6 минг гектар майдоннинг 25 минг гектардан зиёдридаги ҳосил йиғиштириб олинди. Фермер хўжалиқларининг аксарияти давлатга дон сотиш шартномавий режасини ошириб бажарди.

Айни пайтда улар Сулаймон Ҳафизов каби ғалладан бўшаган майдонларни ҳайдаш, суғориш ва уларга такрорий экинларни экиш ишларини олиб бораётир.

– Озиқ-овқат хавфсизлиги халқимиз фаровонлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири, – дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Рустам Норов. – У жаҳонда коронавирус пандемияси хуруж қилган жорий йилда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Режага кўра, ғалладан бўшайдиган майдонларнинг 49 минг гектарида такрорий экинлар жойлаштирилади. Бу далаларнинг 8,4 минг гектарида сабзавот, 1,2 минг гектаридаполиз, 6 минг гектарида дуккакли экинлар, 2 минг гектарида мойли экинлар, 500 гектарида шоли, 10 минг гектарида озуқабоп экинлар ҳамда 20,8 минг гектарида тариқ етиштирилади.

Албатта, бу борадаги ишларни жадаллик билан олиб бориш кўп жиҳатдан моддий-техниктаъминотга боғлиқ. Ҳўш, ушбу масала қандай ечим топмоқда?

Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бўлим бошлиғи Жалол Воҳидовнинг таъкидлашича, такрорий

экинларни экиш учун жами 2,7 минг тонна ёки 18,6 миллиард сўмлик ёқилғи мойлаш материаллари, 6,2 минг тонна минерал ўғит, 1,2 минг тонна уруғлик талаб қилинади. Шу билан бирга 35 миллиард сўмлик техника хизматлари ҳамда иш ҳақи учун 10 миллиард 900 миллион сўмлик тўловлар белгиланган. Яхлит механизмни ташкил этадиган мазкур тадбирлар ижроси вилоят ҳокимлиги назоратида.

– Корхонамиз тўла қувватидан тўла фойдаланиш учун биз неча йилдирки кунгабоқар уруғини ҳам қайта ишляпмиз, – дейди “Когонёғ” акциядорлик жамияти директорининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Мизроб Аминов. – Бунда ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида кунгабоқар экиш борасида Ромитан, Когон, Ғиждувон, Вобкент, Когон, Қоровулбозор туманлари фермерлари билан шартнома тузганимиз жуда қўл келаётир. Жорий йилда буюртмамизга кўра, 800 гектар майдонга ана шу экин экилади. Биз деҳқонларга Туркиядан сермойлиги, мағзи тўқлиги билан ажралиб турувчи кунгабоқарнинг “Рокки” ва “Бастора” навларини етказиб бердик. Бундан ташқари, шартномада кўзда тутилган маблағнинг 30 фоизи миқдориди бўнак пули ҳам тўлангани уларга катта рағбат бўлди. Айни кунларда фермер хўжалиқларида ерлар пешма-пеш тайёрланиб, кунгабоқар экиляпти.

Режага кўра, такрорий экинлардан жами 334 минг 500 тонна ҳажмда ҳосил, жумладан, 216,8 минг тонна сабзавот, 21,4 минг тонна полиз, 6,7 минг тонна мош, 3,8 минг тонна мойлик экинлар, 2,3 минг тонна шоли ҳамда 83,5 минг тонна тариқ етиштирилади. Уларнинг 109 минг тоннаси экспорт қилинади. Бу вилоятда хорихий валюта тушумини ошириш борасида муҳим омиллардан бири. Шунингдек, етиштирилган ҳосилнинг 32,4 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига, 3,5 минг тоннаси захирага, 1,6 минг тоннаси уруғлик учун, 64,5 минг тоннаси ярмаркаларга ва 123,5 минг тоннаси ички истеъмолга йўналтириш белгиланган.

Такрорий экинларини экиш мақсадида вилоятда жами 1189 тонна уруғлик зарур. Бу борада хом ашё буюртмачилари яъни “Вобкент уруғ таъминот” МЧЖ томонидан 46 тонна сабзавот, 6 тонна полиз, “Евронар” МЧЖ ҳамда “Когон ёғ” АЖ томонидан 12 тонна мойли экинлар, “Best Beans and Dried fruits” томонидан 120 тонна дуккакли экинлар учун уруғликлар импорт қилиниб фермер хўжалиқларга етказиб берилаётир. Бундан ташқари, фермерларнинг ўзидашоли, тариқ ва бошқа экинлар уруғликлари захираси етарли.

Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда туманларда ғалладан бўшаган майдонларнинг 10 минг гектарида такрорий экинлар экилган.

Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА

Қорақалпоғистон Республикаси

**“Худудгаз
Қорақалпоғистон”
масъулияти чекланган
жамиятининг “Нукус
шаҳаргаз” филиали
томонидан табиий
газ истеъмолчиларини
етарли даражада
табиий газ билан
таъминлашда
муайян ишлар амалга
оширилмоқда.**

**ТАБИЙ ГАЗ
ТАЪМИНОТИДА
МУАММОЛАР
БЎЛМАЙДИ**



Шаҳар ҳудудидида мавжуд 1103 дона газ тақсимлаш пункти орқали 68 минг 389 хонадон табиий газ билан таъминланмоқда. Аҳолига 62,6 километр юқори босимли, 250 километр ўрта босимли ва 503 километр паст босимли, жами 815 километр қувурлар орқали газ етказиб берилмоқда.



Шаҳар аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида филиалнинг Авария тиклаш хизмати туну-кун фаолият олиб бормоқда. Хусусан, “Дўстлик гузари” маҳалласи ҳудудидида жойлашган кўп қаватли уйларни табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Д-76 мм L-360м паст босимли газ тармоғида таъмирлаш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Тизимдаги бу каби тадбирлар қиш ойларида юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.**

Навоий вилояти

ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР – ЭКСПОРТГА



Бугун Навоий вилоятдан хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксариятини иссиқхоналарда етиштирилган ҳосил ташкил этмоқда.

Энг муҳими, бу маҳсулотларнинг хорижда ўз бозори бор. Айниқса, чет эл бизнес вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган корхоналар, хусусан, иссиқхоналар сафининг кенгайиб бораётгани, хориж тажрибаси асосида жаҳон бозорида ўз ўрнини топа оладиган бетақорор маҳсулотлар етиштиришда муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Хатирчи туманининг “Навбахор” маҳалласи ҳудудида 10 гектар майдонда ўз фаолиятини бошлаган замонавий типдаги “ASYA SERA NAVOIY” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан ҳам 2019 йилдан буён помидор маҳсулотлари етиштириб келинмоқда.

Туркия давлати билан ҳамкорликда Туркия технологияси асосида иш бошлаган мазкур гидропоника

усулидаги иссиқхонанинг умумий қуввати йилига 2 минг тонна помидор маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишга мўлжалланган.

7,9 миллион АҚШ долларлик хорижий инвестиция жалб этиш орқали фаолият бошлаган мазкур иссиқхонада 65 та доимий иш ўрни яратилди. Қолаверса, 200 нафардан ортиқ мавсумий ишчилар ҳам жараёнга жалб этилди.

Хорижий корхона томонидан 1 йилда 2 маротаба ҳосил олиниб, тайёр маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Айни пайтгача корхона томонидан Россия давлатига 470 минг доллар миқдорда экспорт амалга оширилди.

– Ўзбекистонда хорижий бизнес вакиллари

учун яратилган қулайлик, имконият ва имтиёз, қолаверса ўзаро мустаҳкам ишонч бизни бу жаннатмакон юртга инвестиция киритишимизга ҳамда ҳамкорликда иссиқхона лойиҳасини амалга оширишимизга туртки бўлди. Шу боис, яқин йилларда фаолиятимизни янада кенгайтириш, иссиқхонамиз майдонини эса 25 гектарга етказишни режалаштирганмиз. Бу орқали 500 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўламиз, – дейди корхона иш юритувчиси, туркиялик тадбиркор Яссин Карякуш. – Айни кунларда етиштирилган ҳосил ҳар 2 кунда махсус юк машиналари орқали экспорт қилинмоқда.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Пандемия, табиий офатлар халқимиз учун синовли ва оғир кунларни келтириб, уни бошдан ўтказишга мажбур қилмоқда. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти жамоаси масъулиятни тўла ҳис этиб, олдинда турган муҳим вазифаларни самарали ва муваффақиятли амалга оширишда Ҳукумат комиссиясига елкадош бўлмоқда. Жумладан, Бухорода бўлиб ўтган кучли шамолдан зиён кўрганлар учун қарийб 5,5 миллиард сўм суғурта товонлари тўлаб берилди.

“ЎЗАГРОСУГУРТА” АЖ БУХОРОДАГИ ТАБИЙ ОФАТ УЧУН

5,5 МИЛЛИАРД ТЎЛАДИ

Табиий офат вилоятдаги кўплаб тадбиркорларни ҳосилдан мосуво қилди. Уларнинг турар ва нотурар жойлари, мол-мулкларига жиддий зарар етказди. Жойларда тадбиркорлик фаолияти тўхтаб қолмаслигини таъминлаш, олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш чораларини кўриш бугунги кунда аксар бухороликлар учун долзарб масалага айланди.

– Ёш тадбиркорларга яратиб берилган имкониятларидан фойдаланиб, кредит ҳисобига хусусий боғча очганмиз, – дейди 27 ёшли тадбиркор Бекзод Нарзуллоев. – “Kinder World” нодавлат таълим муассасаси Ромитон учун янгиллик, муҳим стратегик объект ҳисобланади. Чунки бу ерда болалар учун малакали тарбиячи мураббийлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида таҳсил беради. Афсуски, кучли довулдан боғчамизнинг ички ва ташқи қисми жиддий зарар кўрди. “Ўзагросуғурта” АЖ Бухоро филиалининг ҳудудий бўлинимаси зарарни ўз вақтида тўлиқ қоплаш учун қарийб 77,5 миллион сўм тўлаб берди. Эндиликда фаолиятимизни бемалол давом эттира оламиз. Бундан нафақат мен, балки юзлаб ромитонлик болалар, уларнинг



ота-оналари ҳам хурсанд.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда “Ўзагросуғурта” АЖ бошқаруви томонидан табиий офат зарарларини бартираф этиш ишлари бутун вилоят миқёсида кенгайтирилди. Ташкил этилган тезкор ишчи гуруҳга суғурта ҳодисаси натижасида юзаган келган тўловлардан ташқари, кучли шамол туфайли

фаолиятини давом эттириш имконияти сўроқ остида қолган тадбиркорлик субъектларига қўмаклашиш вазифалари юклатилди.

– “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида банкдан 27 миллион сўм кредит олиб, саккиз сотих ерда қурган иссиқхонамизни шамол олиб кетди, дея сўз очди олотлик ёш тадбиркор

Камолитдин Эргашев. – Иссиқхона асосан помидор, бодринг етиштиришга мўлжалланган бўлиб, фақат помидорнинг ўзидан 50 миллион сўмлик маҳсулот сотишни кутгандим. Илк ҳосилдан 250 кг. маҳсулот сотдим, холос. Шамол туфайли иссиқхона вайрон бўлди, биринчи ҳосилдан ҳам айрилдим. Бироқ “Ўзагросуғурта” томонидан, фаолиятимни давом эттириш учун 16,5 миллион сўмга яқин беғараз ҳомиёлик ёрдами кўрсатилди. Насиб қилса, июль ойида бодринг мавсумидан каттароқ даромад олишга ҳаракат қиламан. 21 ёшимда шундай жиддий синовга дуч келиб, тадбиркор сифатида эрта “синмаганим” учун “Ўзагросуғурта”дан миннатдорман. Бу соҳада хатарларни бошқариш, улар билан ҳисоблашиш жуда муҳим эканлигини англаб етдим. Келгусида ушбу компания билан мол-мулк, ҳосил каби ихтиёрий суғурта бўйича шартнома имзоламоқчиман.

Умуман, “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан вилоят миқёсида “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ажратилган кредит маблағлари қайтарилиши юзасидан тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш” бўйича қарийб 850 миллион сўм маблағлар тўлаб берилди.

Шухрат ҚОБИЛОВ,
“Ўзагросуғурта” АЖ раисининг матбуот котиби.

Юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижаларининг сарҳисоб қилиб борилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Чунки ислохотларнинг амалий натижалари изчиллик билан таҳлил қилиниб, мавжуд муаммоларнинг туб ўзаги аниқланиб, бартараф қилинмоқда. Бу эса реал ҳаётда ўзининг натижадорлигини кўрсатяпти. Буни биз мамлакатимизнинг барча гўшаларида юз бераётган янгиланишлар, иқтисодий юксалиш ва халқ турмуш тарзи фаровонлашиб бораётганлигида кўришимиз мумкин.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ ТАҲЛИЛЛАРДА АКС ЭТАДИ



Ислохотлар самарасини йилдан-йилга ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кўришимиз мумкин. Бир пайтлар деҳқонлар ердан мавсумий фойдаланган бўлса, бугунги кунда йил давомида узлуксиз маҳсулот етиштирмоқда. Маҳсулот етиштиришда энди фақатгина анъанавий усул эмас, балки инновацион усуллар етакчилик қиляпти. Етиштирилаётган ноз-неъматларнинг навлярию техникалар ҳам замонага мос. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳаси илми тараққий этиб бораётганлигидан далолат беради. Аграр соҳа илмини ривожлантириш ва соҳага илми татбиқ этишга масъул бўлган Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда унинг тасарруфидаги илмий муассасаларда сўнгги йилларда ҳам илмий, ҳам иқтисодий жиҳатдан эришилаётган ютуқлар тош босмоқда. Фикримизга Илмий марказнинг сўнгги беш йиллик кўрсаткичлари далил бўлади. Мисол учун Илмий марказ ва унинг тизим ташкилотларида 2015 йилда умумий яратилган маҳсулот қиймати 14,5 млрд. сўми, жами харажатлар эса 12,6 млрд. сўми соф фойда эса бор-ўйи 2,1 млрд. сўми ташкил этган. Кўрсаткичлар йил сайин ўсиб 2018 йилда яратилган маҳсулот қиймати 26,7 млрд. сўми, 2019 йилда 42,5 млрд. сўми ташкил этган. Ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак ўсиш 2015 йилга нисбатан 2,9 баробарга тенг бўлганини кўриш мумкин. 2019 йилда олинган соф фойда 2015 йилдаги 1,2 млрд. сўм ўрнига 12,7 млрд. сўмга етгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Бевосита илмий йўналишда амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда 10 миллиард 520 миллион 200 минг сўмлик 126 та илмий лойиҳа бажа-

Ўтган давр мобайнида пахтачилик, дон-дуккакли, мойли, сабзавот, полиз экинлари ва картошкачиликда яратилган янги навлар ҳам кўпайди. Жумладан, 2015 йилда 14 та 2016 йилда 9 та, 2017 йилда 42 та 2018 йилда 51 та, 2019 эса 24 та янги сабзавот, полиз экинлари ва картошка навлари яратилди. Илмий марказ тизимидаги илмий муассасаларда яратилган пахта навлари республикада экиладиган жами пахта майдонининг 86,4 фоизини эгаллаб келмоқда.

рилган бўлса, бу рақам 2019 йилга келиб 22 миллиард 976 миллион сўми ташкил қилди. Натижада соҳа олимлари томонидан 2015 йилда 15 та патент олинган бўлса, 2019 йилда 25 та патент олишга эришилди. Ўтган давр мобайнида пахтачилик, дон-дуккакли, мойли, сабзавот, полиз экинлари ва картошкачиликда яратилган янги навлар ҳам кўпайди. Жумладан, 2015 йилда 14 та, 2016 йилда 9 та, 2017 йилда 42 та, 2018 йилда 51 та, 2019 эса 24 та янги сабзавот, полиз экинлари ва картошка навлари яратилди. Илмий марказ тизимидаги илмий муассасаларда яратилган пахта навлари республикада экиладиган жами пахта майдонининг 86,4 фоизини эгаллаб келмоқда. Шуниси эътиборлики, олиб борилган тадқиқотлар ҳосиласида турли нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар 787 тадан 1173 тага чиққан, шу йилларда нашр этилган монографиялар сони 27 тадан 37 тага кўтарилган. Диссертациялар ҳимояси борасида ҳам ўсиш динамикасини кузатиш мумкин. 2015 йилда 4 та фан доктори етишиб чиққан бўлса, 2016 йилда 13 та фан доктори, 2017 йилда 5

та фан доктори ва 13 та қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, 2018 йилда 14 та фан доктори ва 43 та қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори 2019 йилда эса 5 та фан доктори ва 33 нафар фан йўналишлари бўйича фалсафа доктори етишиб чиқди. Ушбу натижалар Илмий марказ ва унинг тизимидаги илмий-тадқиқот институтларида илмий салоҳият ва талабчанликнинг ортганидан далолат беради, албатта.

Илмий марказнинг халқаро алоқаларни яхшилаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бу айниқса, соҳа олимларининг чет эллик ҳамкасблари билан тажриба алмашиши борасида кўл келмоқда. Таҳлил қилинаётган даврда яъни 2015-2019 йиллар мобайнида тизим ташкилотларидаги илмий ходимларнинг чет элларда ўтказилган илмий анжуманлар ва ўқув-малака ошириш ишларидаги иштироки тўғрисида айтадиган бўлсак, 2015 йилда 38 нафар киши илмий мақсадда чет элга борган бўлса, 2019 йилда 104 нафар илмий ходим ўз билимларини чет элдаги тажрибалар асосида бойитиб

келди.

Германиянинг GIZ халқаро ҳамкорлик жамияти ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ўртасидаги "Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш лойиҳаси" доирасида Франциядан картошканинг 10 нави олиб келиниб, Ўзбекистон шароитида синаб кўрилди. Синодан муваффақиятли ўтган "Флорис", "Универсиа", "Пассион" ва "Ауреа" навлари танлаб олинди. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда картошка уруғчилиги ва қайта ишлаш тизими асосида кўшилган қиймат занжирини яратишга асосланган "INNOVATION AGRO SERVIS" ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилди. Унинг фаолият юритиши учун умумий қиймати 323 минг евро бўлган асбоб ускуналар харид қилинди. Натижада 100 тонна картошка уруғини сақлаш ҳажмига эга совуткичли омбор, замонавий картошка ковлагич, ёмғирлатиб суғориш ускунаси ва йилига 650 тонна картошкани чипсга айлантириш имконияти яратилди. Хитой Халқ Республикасининг Қишлоқ хўжалик фанлар академияси Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва Илмий марказ тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ўртасида ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Томонлар ўртасида имзоланган шартномага асосан қиймати 3,6 млн. доллар бўлган 2020-2023 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон-Хитой" кўшма пахтачилик илмий лабораторияси ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳамкорларнинг лойиҳа доирасида яқинда жўнатган қиймати 351,2 минг АҚШ долларига тенг лаборатория жиҳозлари бугунги кунда мамлакатимизга етказиб берилди. Бундан ташқари Илмий марказ ва унинг тизимидаги ташкилотлар дунёнинг яна кўплаб халқаро ташкилотлари билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган.

Келгусида соҳа илм-фанини ривожлантириш борасида тизимдаги илмий-тажриба станцияларининг майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларининг бирламчи уруғларини кўпайтириб, ички бозорга сотиш, шунингдек, республикамиз тупроқ-иклим шароитига мос бўлган экспортга йўналтирилган ноанъанавий ва доривор ўсимликларнинг бирламчи уруғларини етиштириш ҳам истиқболдаги вазифалардан саналади. Олиб борилаётган барча сайё-ҳаракатлардан кўзланган мақсад, соҳа илм-фанини ривожлантириш, янгилек яратиш, шу аснода мамлакатимиз аграр соҳасини тарққий эттиришдир.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази матбуот котиби.

Q23 | QISHLOQQURILISHBANK

САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

қалби қайноқ журналистларни, барча ижод аҳлини 27 июнь –
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан
чин қалбдан муборакбод этади.




Жамиятимизда демократик
қадриятларни қарор
топтириш, фуқароларнинг
ахборот соҳасидаги
конституциявий
хуқуқларини таъминлаш,
дунёда ва мамлакатимизда
содир бўлаётган ижтимоий-
сиёсий жараёнлар, воқеа-
ходисалар ҳақида тезкор ва
ҳаққоний маълумотлар
етказиш борасидаги
фидокорона меҳнатларида
улкан зафарлар тилайди.

“ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

адолат ва ҳақиқат ўўлига жасорат
билан қалам тебратаётган
оммавий ахборот воситалари
ходимларини касб даъраи билан
қизгин қутлайдигу. Уларга
муштаҳкам соғлиқ, хайрли
ишларига омадлар тилайдигу.
Ўжог завқи ҳамиша ҳамроҳингиз
бўдсин!



Ўзсаноатқурилишбанк: КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш устувор мақсад

Мамлакатимизнинг энг илғор банкларидан бири бўлган Ўзсаноатқурилишбанк бугунги кунда улкан ўзгаришлар тарихини яратмоқда. Жумладан, халқаро молия институтлари кўмагида ўз фаолиятини тижорийлаштириши, корпоратив бошқарувни, таваккилчиликни бошқаришни, бизнес процессларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш ишларини амалга оширмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига банк хизматларини кўрсатишда қулайлик яратиш мақсадида рақобатбардош платформани яратиш, барча жараёнларни автоматлаштириш, хизматларни электрон каналларга ўтказиш, корпоратив мижозлар учун янги маҳсулотлар яратиш, чакана хизматлари барпо этиш буйича жадал ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг самараси ўлароқ банкнинг халқаро молия институтлари ва молиявий нашрлар томонидан эътироф этилаётганини кўришимиз мумкин. Жумладан, банк кетма-кет 2 йил 2018-2019 йилларда Осиё тараққиёт банки Савдони молиялаштириш дастурининг Ўзбекистондаги

"Энг яхши етакчи ҳамкори" ҳамда етакчи халқаро молия нашрларидан бири бўлган Asiamoney томонидан "Ўзбекистонда 2020 йилда энг яхши маҳаллий банк" сифатида эътироф этилди.

Банк томонидан 2019 йил ноябрда Ўзбекистоннинг корпоратив эмитентлари орасида биричи бўлиб Лондон фонд биржасида 300 млн. АҚШ доллари миқдоридаги еврооблигацияларини жойлаштириши мамлакатимиз молия бозори хусусан, Ўзсаноатқурилишбанкнинг фаолиятига хорижий банклар ва институционал инвесторларнинг эътиборини янада оширди.

Тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини

кенгайтириш мақсадида Ўзсаноатқурилишбанк халқаро ҳамкорлик доирасини доимий асосда кенгайтириб бормоқда. Жорий йилнинг 5 охи давомида банк томонидан хорижий банклар, халқаро молия институтлари ҳамда инвесторлар билан тузилган 10 тадан ортиқ шартномалар доирасида 340 млн. доллардан ортиқ кредит маблағлари жалб қилинди. Мазкур ҳамкорлар орасида ОПЕК халқаро тараққиёт фонди, ICBC Standard PLC банки, Eaton Vance активларни бошқариш компанияси каби кредиторлар Ўзбекистон банк секторига илк бора маблағлар ажратди.

Эътиборлиси, мазкур кредит маблағларининг 120 млн. доллари миллий валютамизда деноминация қилинган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг валюта курси таваккалчилигини камайтиришга қаратилган.

Банкнинг ЕТТБ билан ҳамкорлиги кенг қамровли бўлиб, нафақат кредит маблағларини тақдим қилиш, балки банкни трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришга тайёрлаш каби жараёнларни ҳам қамраб олади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва ЕТТБ ўртасида ҳамкорликнинг фаол босқичи 2019 йилда бошланган бўлишига қарамай, бу банклар ўртасидаги учинчи битим ҳисобланади. Бугунги кунга қадар "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ЕТТБнинг "Савдони ривожлантиришга кўмаклишиш дастури" доирасида эмитент ва тасдиқловчи банк сифатида иштирок этиш ҳамда "Револьвер кредитини ажратиш бўйича" битимлар доирасида банк мижозларининг экспорт-импорт амалиётларини молиялаштириб келаётган эди.

Бундан ташқари ЕТТБ банкда ғазначилик амалиётларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакаси ва мижозлар молиявий саводхонлигини ошириш масалалари юзасидан банкка маслаҳатлар беради.

Жорий йилнинг 23 июнь кунини "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида имзоланган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштириш учун 40 млн. АҚШ долларига тенг кредит линияси ажратиш бўйича қарз битими ушбу ҳамкорликнинг узвий давомидир.

Мазкур битим "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБга республикамиз бўйлаб жойлашган бўлинмаларининг кенг тармоғи орқали ЕТТБ кредит линияси маблағларни тадбиркорлик субъектларининг энг талабгор лойиҳаларига йўналтириш имконини бериб, коронавирус пандемияси шароитида улар томонидан белгиланган мақсадларга эришишларига кўмаклашади.

Ўз мухбиримиз.

|| БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

**барча оммавий ахборот воситалари
вакиллари 27 июнь – Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари ходимлари
куни билан самимий муборакбод этади.**

**Соҳа фидойиларининг
жонажон юртимизда олиб
борилаётган изчил ислоҳотларни
ёритишдек шарафли фаолиятларида
муштаҳкам ирода, куч-қувват тилайди.
Нигоҳингиз бургут кўзидай ўткир,
қаламингиз чўғдек оташин бўлсин!**

Касб байрамингиз қуплуғ бўлсин, азиз журналистлар!





Матбуотчилар – юрт фидойилари демак...



Мен узоқ йиллардан буён бир соҳада меҳнат қилиб келаман. Ҳаётий тажрибамга таяниб шуни таъкидламоқчиманки, матбуот инсонга маънавий озуқа берувчи, уни тўғри, ҳақчил йўлга чорловчи, саводхон қилувчи, энг керакли ва зарур янгилик, воқеалардан бохабар этувчи воситадир. У ўтган давр мабойнида, ҳозирги ахборот асрида ҳам ўз ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётир.

Тан олиб айтишим керакки, ёшларни маънавий-ахлоқий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини сингдириш йўлида олиб бораётган хайрли ишимизда доимо матбуотда фаолият кўрсатаётган журналист дўстларимизнинг кўмагини ҳис қилиб турамиз. Уларнинг саъй-ҳаракати билан кичик бир тадбиримиз, тарғиботимиз ҳам катта аудиторияларга, етиб боради.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ижодкорларни

**27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан “Ватанпарвар” ташкилоти

*Наманган вилояти кенгаши ва аҳил жамоамиз
номидан қизғин муборакбод этаман.*

Аҳмаджон АЪЛОХОДЖАЕВ,
*“Ватанпарвар” ташкилоти Наманган вилояти
кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати.*



ЁЗ ЎТСИН СОЗ, ДЕСАНГИЗ...

Сувда чўкишнинг бир қанча сабаблари бор. Сув омборларида, дарёлар, каналлар ва анҳорлардаги сув ҳароратининг доимий пастлиги, сув оқимининг тезлиги, дарёлар ва каналлар қирғоқларида жойлашган кафе ва чойхоналарда фуқароларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, сергакликларини йўқотиб қўйишлари, чўмилиш тақиқланган жойларда чўмилишлари чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга олиб келмоқда.

Бунга мисол, 2019 йилнинг июн ойида Тошкент тумани Келес шаҳри Ободлик маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи "Заҳариқ" каналида 2009 йилда туғилган Ф.Тўраев эҳтиётсизлиги оқибатида сувга тушиб кетиб, чўккан.

2019 йилнинг июн ойида Тошкент тумани Кўксарой қишлоғи Зарбдор маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи "Дамариқ" канали

бўйида спиртли ичимлик ичиб чўмилиш оқибатида 1977 йилда туғилган фуқаро Д.Шамсиев ҳам сувга чўккан.

Юқоридаги каби бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида чўмилиш тақиқланган жойларда профилактика ишлари олиб борилиб, тадбир вақтида чўмилаётган ёш болалар ва ёши катта фуқаролар ўртасида тушунтириш ишла-

ри олиб борилмоқда ҳамда 30 дан ортиқ жойга чўмилишни тақиқловчи белгилар ўрнатиб чиқилди.

Ҳурматли фуқаролар! Сизлардан шуни илтимос қилардикки, ўзингиз ва оила аъзоларингиз ҳаётига бефарқ бўлманг.

Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,
Тошкент тумани
ФВБ инспектори, сержант.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.

Сиз газетамизга қайси обуна уюштирувчи ташкилот орқали обуна ташкил этиш маъқул ва қулай бўлади, деб ўйлайсиз? Сиз бугун қайси обуна уюштирувчи орқали газета оляпсиз ва у сизга манзурми?

Шу ҳақда бизга маълумот беринг! Бу обуна уюштириш, уни етказишни тўғри ташкил этишда бизга кўмак бўлади.



Тел.: (71) 236-26-50, (71) 233-40-87.

Телеграмм: (90) 920-43-70. Факс: (17) 233-09-93.

Web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

"Universal Auktions Invest" МЧЖ

Самарқанд филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига ТИФ "Миллий банк" бошқарувининг 18.09.2019 йилдаги 160-сонли буйруғига асосан, ТИФ "Миллий банк" Самарқанд вилояти бўлимига қарашли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 575 ХАА, техник носоз, б.б. 5095000 сўм бўлган ГБА СНГ Нексия русумли автомашинаси кўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 27 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Юқоридаги автомашина 2020 йил 27 июль куни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2020 йил 4, 11, ва 18 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш савдо кунига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Universal Auktions Invest" МЧЖ Самарқанд филиалининг АТИБ "Ипотекабанк" Кўксарой филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000604932168015, МФО: 00262, ИНН: 302083379.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур к., 41-уй. Тел: (+998 91) 555-51-00.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Туловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

Яқасарой т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "ALIXON" ХКга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "КОМОЛ UNIVERSAL" МЧЖ га тегишли бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак штампи йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тошкент в. Зангиота т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "EXPRESS KUREYER" МЧЖ га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент в. Тошкент т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "OBOD-ZAMIN ZIYO" фермер хўжалигига тегишли бир дона муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вазирлигининг Молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси Хурмет ЖОЛЛИБЕКОВга волидаи муҳтарамаси Равшаной УРАЗБАЕВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Омонкул муаллим ўйчан қиёфада ҳовлига назар ташлади. Уйнинг ён томонида олма, жийда, ўриклар шигил мева солган. Уларнинг кўчатини отаси узоқ-узоқлардан кўпкарига борганда олиб келган. Дарахтларнинг шохи ҳосилнинг зўридан эгилиб қолган. Фақат отаси энди уларни карсиллатиб ёёлмайди. Унинг хаёлини отасининг товуши бузди.

– Қотик, – деди Алимардон чавандоз. – Қўйди қотиғи.
Омонкул отилиб ўрнидан турди. Ҳоқ томон қичқирди:
– Эна...
Ўчоқбошида ивирсиб юрган Пардахол момо:
– Ҳа, болам, – деди довдираб.
– Қишлоқда у-бу кимда қўйди қотиғи бўлама? – сўради Омонкул малим.
– Онсан, онови Шаптоли Тиркашдикида бор, – деди Пардахол момо. – Нима қиласан қўйди қотиғини?

Жовқа бува

“Кўкка учган тулпорлар” асаридан

– Отам, отам ичаман, деяпти. Рустам, ҳов Рустам, – у товушини кўтарди. Токзор томондан Рустам кўринди.
– Ҳа, ака, нима гап? – деди юзини ишқалаб.
– Тез битта каса оп Шаптоли Тиркашдикига чов. Қўйди қотиғи бўлаёқан, – деди шошилиб. – Отам ичаман, деяпти.

Рустам қўлига сирли товоқчани олдию, югуриб кетди. Омонкул отасига қаради. Алимардон чавандоз ухлаб қолган эди.

У ҳам иссиқдан, ҳам кексалиқдан силласи куриб бораётган отасининг оёқларини гўё жон, куч ато эта оладигандек уқалай бошлади. Шу пайт чавандознинг ўғли Келдиёр улоқчи супанинг бир четига келиб ўтирди. Тўнгич ўғил уқасига савол назари билан қаради.

– Ака, отамдинг оти жемеш жемаяпти. Нима қилай? – деди Келдиёр.
Омонкул отасига қаради. Алимардон чавандознинг кўзлари бир юмилиб очилди. Нимадир демоқчи, ҳолсиз қўлини кўтармоқчи бўлди. Эпполмади.
– Отамга ичкаятган бўса керак. Опчиқиб сўритакка байлаб қўй, – деди Омонкул. – Отамди кўрса жемеш жейди.

Чавандоз ихраб қўйди. Келдиёр улоқчи отхона томон кетди. Кўп ўтмай отасининг отини етаклаб чиқиб, супа олдидаги сўритокка боғлади. Алимардон чавандоз буни англади.

– Ҳа, жонивор, эгам ўлди дедингарма? – деди пичирлаб. – Ҳали тириман...
Фиркўк йўғон бўйинини унга қараб бурди. Ер тепинди. Буни кўрган Келдиёр улоқчи отнинг бўйнига осилган тўрвага бир кафтгина арпа солиб қўйди. От Алимардон чавандозга яна қаради. Арпанинг от тишлари орасида кисрлаётгани эшитилди. Омонкул чуқур нафас олди.

Шу пайт ҳовли этагидан кимнингдир товуши эшитилди. Келдиёр отилиб ўрнидан турди.

– Ака, Жовқа бувама, дейман? – деди у.
– Ҳеййи, Ҳеййи, – келаётган одамни кўриб Омонкулнинг чиройи сал очилди. – Э, кенг, кенг, ошна.

Жовқа бува бу атрофдаги яккаю ягона темирўлчи. Китоб туманидан Тошкентга чўзилган темир йўл Бадахшоннинг чеккасида ҳам ўтади. Бу йўллар ўтган асрнинг бошида, Биринчи жаҳон урушидан ҳам аввал қурилган эмиш. Оқ пошшо темир йўлларни бу ерлардан мол-мулкларни олиб кетиш учун қурдирган, дейишади. Қизғиш тошдан қурилган қизил тунука томли кўхна иморат, унинг олдидаги қудуқ ҳам боболаримизнинг кўз ёшлари эвазига бунёд этилган. Айтишларича, қурилишда япон муҳандислари ҳам қатнашган экан.

Узоқлардан кўриниб турадиган бу иморат станция вази фасани бажаради. Унинг беш-олтита катта-кичик хоналари бор. Темир панжарали деразалари ингичка ва баланд. Поезд пишқириб келгунча, уф тортиб тўхтагунча одамлар иссиқдан, совуқдан, қор-ёмғирдан шу бино ичида паноҳ топадилар.

Станцияда олдида девор-дармиёнсиз ёлғизгина уй бўлиб, у бир этак бола-чақали, паттачи чол Жовқа бувага тегишли. Бува ўрта бўйли, қотма, оқшдан келган, кўзи қора ва кичкина, қошлари туташиб кетган, тийрак ва эҳтиёткор нигоҳли чол. Юзлари оппоқ ва думалоқдан келган, қошидан ўсма аримайдиган ойдаи хотинидан бир этак боласи бор.

Поездга чиқадиганлар ҳам, ундан тушадиганлар ҳам Жовқа буванинг уйдан бир пиёла чой ичишга ўрганиб қолишган.

– Бува, шашаяппан, – деганингизга кўнмайди.
– Э, э, Жовқа чолдинг кулбасидан чай ичмай кетсангиз гунайи менга жозилади, – дейди жовдираб. – Э, бу жайларга силардан бошқа ким келарди?

Бирпас унга кулимсираб қараб турасиз, йўлга тушмоқчи бўласиз, аммо Жовқа буванинг пирпираб турган киприклари, жавдираб турган кўзларига қараб йўқ, деёлмайсиз. Чол юпқа жегдасининг этакларини ҳалпиллатиб, эски кавушини судраб олдинга тушади ва қўярда-қўймай нимқоронғи уйига олиб киради, кўрпача тўшайди, биқинингизга лўла ёстиқ ташлайди. Ва гиштли печ устидаги сирли темир чойнақдан чой қуйиб узатади. Чойни ҳўллаб узоқдан толиб келган руҳингиз ором олади, қалтираб турган ичингизга иссиқ киради. Бирпас оёғингизни узатасиз. Елкангиздан тоғ ағанагандай бўлади. Тошкент, Қарши ёки Самарқандга бирор-бир муаммо билан йўлга отланган кишининг кўнглини ғашлантириб турган ташвишни ўша бир пиёла чой ювиб юборади.

Чойни ичиб бўлиб хонага разм соласиз. Шалоғи чиққан сандиққа йигилган кўрпа-тўшаклар устига қизил кашта ташланган. Оёқ остида буванинг хотини ва қизлари тўқиган ғожари, қоқма гиламлар тўшалиб, устидан кигиз, жулхўрс ташланиб, сўнг кўрпачалар солинган. Бурама гулли чит парда илинган дераза тоқчасидаги сопол тувакларда кишин-ёзин гуллар яшнаб ётади. Ҳатто анча ёшга кирган кактус танасини Жовқа буванинг исми ёзилиб қолган, дейишади. Хуллас, бу хонадонда оддий, самимий, меҳнаткаш ва меҳмондўст одамларнинг қалбидан, меҳридан бўлак нарсани излаб овора бўлманг.

Жовқа бува поезддан бирор мусофирми ёки аскар бола тушса югуриб олдига боради:

– Меҳманжон, сиз қай тарапга, кимдикига?
У келаётган манзилини айтади. Жовқа бува дарҳол кўк ҳангисининг жабдуғини тайёрлайди. Меҳмонжоннинг қўлидаги оғир юкни хангисига ортади. Йўл бўйи қачонлардир шу тарафларда содир бўлган воқеалар, яхши-ёмон кунлар ҳақида сўзлаб кетади. Меҳмонни келаётган манзилигача зериктирмай олиб бориб кўяди. Бунинг учун унга гоҳо раҳмат айтадилар, гоҳо йўқ. Жовқа бува бу ишларни раҳмат учун ёки бирор нарса умидида қилмайди. У – одамга, унинг суҳбатига зор. Ичидаги тўлиб-тошиб ётган гапларини эшитувчига муҳтож.

Уни бир мам эзди. Бундан беш йилча бурун бўйи етган қизининг инон-ихтиёрига қарамай кимнингдир ўғлига фотиҳа қилдирди. Қизи дод деди, вай деди, кулоқ солмади.

– Отасига сўз берганман, – деди Жовқа бува.
Лекин эрта-индин тўй бўлади, деб туришганда йигит ўн йилга қамалиб кетди. Эр-хотин бу кўргуликдан эслари оғиб қолай, деди. Бир куни Жовқа буванинг хотини қизини ёнига олиб:

– Болам, буйтишини отанг минан мен туш кўриппизма? Пешанада бо-рақанда, – деди астагина.

Ўша воқеадан бери кулмай қўйган қизи онасига қараб:
– Шундай эна, пешанада борақан, – деди синиққина товушда.
– Болам, хўп десанг отанг минан маслаҳатлашаман. Патаани қойтарсак нима дейсан? – сўради момо.

Қизи эгилиб турган бошини аста кўтарди. Кўзларини юмганча чуқур тин олди:
– Патаани? – деди у.

– Ҳеййик, патаани қойтарсак. Сен бошидан норози эдинг-ку, болам, – деди она. Қиз кутилмаганда бош чайқади:

– Жўқ, эна, ундай қимангиззар. Қомоқдан келишини кутаман, – деди у. Энаси анграйиб қолди:
– Шунча жил-а? Шунча жил кутасанма? – деди у ожиз товушда.
– Кутаман. Патаа муҳри Худо, – деди қиз ва хонадан чиқиб кетди. ...Омонкул шуларни хаёлидан ўтказганча бувага кулиб пешвоз чиқди.
– Ассалому алайкум, ошна, – деди қўшқўллаб кўришаркан.
– Э, Омонжон, шу ярдамисиз? Ваалайкум ассалом, – деди Жовқа бува одатича жавдираб.

Сўнг Алимардон улоқчи тарафга қараб сал товушини кўтарди:
– Чавандоз ака, ассалому алайкум. Дамнимисиз? Мен Жовқаман, – деди товуши товланиб.

Алимардон улоқчи унга жавобан инграб қўйди.
– Эсанмисиз, Омонжон? – деди Жовқа бува Омонкулга қайтадан.
– Худога шукур, ака. Келинг, ўтинг бу ёққа, – Омонкул Жовқа бувани супанинг юқори томонида ўтишга ундади.
– Чавандоз акамди бир кўриб келай, дедим, – Жовқа бува ачинганнамо чавандоз томон кўз қирини ташлади.



– Қаричилик, – деди Омонкул. – Қандай, ис-танса тинчма?
– Яхши. Поезд кеб-кедиб турибти. Улим қўл-тигимга кириб қолди. Унга ҳа, деб тураман, – деди Жовқа бува.
Омонкул чолга чой узатди.

Гулжаҳон МАРДОНОВА,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



JOHN DEERE

MONOSEM



"Monosem" kompaniyasi paxta, moш, makkaжuxori va соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сонн: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+ (998) 90 325 49 99

+ (998) 93 181 11 66

+ (998) 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиғи техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Мухаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Раимқул СҮЯРОВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер
М.ЮСУПОВ

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Т-825, ҳажми 4 босма
табэк. Охирет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Мавзелими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
3 197 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
босилди. Манзил: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7023



9 772030 702007

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.15